O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 13 сентябрь, № 181 (4591) Шанба

# АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифининг иккинчи куни ўзбек ва озарбойжон халқларининг маданий-маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирадиган муҳим воқеа рўй берди.**





**Бокуда ғазал мулкининг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилди, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига улуғ аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек номи берилди.**

Ушбу воқеага бағишланган тантанали маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, адабиётшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, шеърият ихлосмандлари, Озарбойжон жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

— Тўрт йил аввал Тошкентда Низомий ҳайкали очилган эди, — деди Ислом Каримов. — Эндиликда Бокуда Навоий ҳайкали қад ростлади. Халқларимиз Навоий ва Низомийни бирдек ҳурмат билан мутолаа қилиб, уларнинг ижодидан илҳомланиб яшайди, бир-бирини таржимонсиз тушунади. Бу бизнинг катта бойлигимиздир. Ўзбекистон кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Лекин Озарбойжон билан муносабатлар мана шундай маънавий яқинлик туфайли алоҳида ажралиб туради.

Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев бугунги кун икки мамлакат тарихида алоҳида ўрин олишини қайд этди.

— Озарбойжон халқи буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни жуда яхши билади, — деди Озарбойжон раҳбари. — Унинг деярли барча асарлари озарбойжон тилига таржима қилинган. Навоий ижодиёти бутун Шарқ адабиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Бокудаги Навоий ҳайкали ва Мирзо Улуғбек номидаги кўча асрлар давомида мустаҳкамланиб келган ва бугунги кунда юқори босқичга чиққан дўстлигимизнинг ёрқин рамзларидир. Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораверишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган "Улдуз" қароргоҳида Кавказ мусулмонлари идораси раиси Аллоҳшукур Пошшозодани қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида маърифий соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш, динни ниқоб қилиб олган айрим ғараз ниятли кучларга қарши биргаликда курашиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Президент Ислом Каримов Бокудаги Фахрий хиёбонга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларини ривожлантиришга, икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб Ҳайдар Алиев мақбарасига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Озарбойжон раҳбари ҳамроҳлигида Ҳайдар Алиев жамғармасига ташриф буюрди. Ислом Каримов жамғарманинг тарихи, фаолияти билан танишди. Озарбойжон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва давлатчилигини ривожлантириш йўлида беқиёс хизмат кўрсатган Ҳайдар Алиевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий экспонатларни кўздан кечирди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида халқимизнинг озодлик учун курашган, ҳуррият йўлида жон берган фидойи фарзандлари хотирасини тиклаб, номларини абадийлаштириш йўлида улкан хайрли ишлар амалга оширилди. Озарбойжон раҳбарияти ҳам айни шундай йўл тутган. Боку сафари асносида Президент Ислом Каримов Шаҳидлар хиёбонида бўлиб, Озарбойжон халқининг жасур фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Президентлар таъкидлаганидек, ушбу ташриф икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга интилиши муштарак, халқларимизнинг анъанавий дўстлиги мустаҳкам эканидан яна бир ёрқин далолат бўлди. Ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очиши шубҳасиз.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққанда, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик ҳамда темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик ва комбинациялашган ташувларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги битимлар муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ислом Каримовнинг ташрифи Озарбойжон оммавий ахборот воситаларида жуда кенг ёритилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Каспий IZ» Кавказ ва Марказий Осиёни этномаданий ва геосиёсий тадқиқ этиш журнали Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларининг тарихи, бугунги ҳолати ва истиқболларига атаб махсус сон нашр этди. «Azerbeycan», «Respublika», «Yeni Azerbeycan», «Ikki Sahil», «Азербайджанские известия» кундалик газеталари ташриф тафсилотларини тўла ёритиб борди.

Озарбойжон жамоатчилиги Бокуда Алишер Навоий ҳайкали очилганини мамнуният билан қабул қилди. Озарбойжон Рассомлар уюшмаси раиси Фарҳод Халилов бу борада қуйидагиларни айтди:

— Бокуда Алишер Навоий ҳайкалининг очилишида чуқур рамзий маъно мужассам. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Биз бир-биримиз билан таржимонсиз гаплашамиз» деган сўзлари айни ҳақиқатдир. Халқларимиз, қандай даврларни бошдан кечирмасин, ҳамиша ўзаро дўстлик ва қардошлик анъаналарига содиқ бўлиб келган. Навоий ҳайкали ўрнатилган ушбу майдон ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири ихлосмандлари учун муқаддас маскан, бошқача айтганда, қардошлик майдонига айланажак.

Ислом Каримовнинг Бокуга ташрифи Ўзбекистон ва Озарбойжон ҳамкорликнинг икки томонлама манфаатли ва узоқ муддатли стратегиясини изчил амалга ошириб бораётганидан, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч ва ҳурматга, азалий ва мустаҳкам дўстлик тамойилларига асосланганидан далолатдир. Шу маънода, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик мунтазам ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораверишига шубҳа йўқ.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Боку — Тошкент

**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Музейлар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади музейларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Миллий музей фонди** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турган музей ашёлари ва музей коллекциялари мажмуи;

**Миллий музей фондининг Давлат каталоги** — Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳар бир музей ашёси ва ҳар бир музей коллекцияси тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжати;

**музей** — музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси;

**музей ашёси** — сифати ёки алоҳида белгилари жамият манфаатлари учун сақлаш, ўрганиш ва оммага намойиш этиш заруратини тақозо этувчи маданий бойлик;

**музей коллекцияси** — ўз келиб чиқиш хусусияти ёки шаклан яқинлиги туфайли ёхуд бошқа белгилари бўйича бирлаштирилгандагина музей ашёси хусусиятига эга бўладиган маданий бойликлар мажмуи;

**сақлаш** — музейнинг музей ашёси ва музей коллекцияси бут сақланишини таъминлаш учун моддий ва ҳуқуқий шароитлар яратилишини назарда тутувчи фаолият тури;

**эълон қилиш** — музейнинг музей ашёлари ва музей коллекцияларини омма олдида намойиш этиш, босма нашрларда, электрон ва бошқа турдаги жисмларда такрорлаш орқали жамиятга тақдим этишнинг барча шаклларини назарда тутувчи фаолият тури.

**2-боб. Музейларни бошқариш**

**4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, такомиллаштиришга доир дастурлар ва қарорлар қабул қилади;

музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди;

давлат музейларининг тоифаларини белгилайди;

Миллий музей фонди тўғрисидаги ва Миллий музей фондининг Давлат каталоги тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш ҳамда унинг таркибидан чиқариш тартибини белгилайди;

(Давоми 2-бетда).

# ФРАНЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган "Франция — Ўзбекистон" сенат гуруҳи раиси Моник Папон хоним раҳбарлигидаги Франция Республикаси Сенати делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳамкорликка оид масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.***

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар парламентаризм, савдо, иқтисодиёт, фан, таълим, спорт, маданият каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Биз Ўзбекистонни қадимий тарихи, бой мероси, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби шаҳарлари орқали яхши биламиз, — деди М. Папон. — Юртингизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон қисқа давр ичида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатингизда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ҳамкорлигимиз йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишонамиз.

**(ЎзА)**



Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсадидир» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг махсус курси тингловчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур қўмита раисининг ўринбосари С. Жабборов истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 60 дан зиёд халқаро ҳужжатга қўшилган. Амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида тарихан қисқа вақт ичида республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берди, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш бўйича яхлит ҳуқуқий тизим яратилди. Бунда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони асосида парламент томонидан қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ҳам жиноят процессида шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, тарафларнинг тортишуви ва тенглиги принциплари билан боғлиқ ҳуқуқини самарали таъминловчи механизмларни яратишдан иборат экани қайд этилди.

Давра суҳбатида мазкур қонунни амалиётда қўллаш масалалари ҳамда мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга доир вазифаларни изчил амалга ошириш борасида фикр алмашилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

***Дунёда спортни севмайдиган одам камдан-кам топилса керак. Кишининг жисмонан бақувват, маънан етук ва баркамол инсон бўлиб шаклланишида ушбу соҳанинг ўрни беқиёс. Ёш бўлсам-да, бир спортчи сифатида унинг мана шундай сеҳрли кучга эга эканини доимо ҳис қилиб тураман.***

Албатта, спортга кўнгил қўйишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун шароит ва имкониятлар ҳам бўлиши керак. Шукрки, юртимизда бу борада барча қулайликлар яратилган. Бугун нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларда ҳам ҳамма ҳавас қиладиган муҳташам спорт иншоотлари қад ростлаяпти. Уларда спортнинг ўнлаб турлари билан бемалол шуғулланиш имконияти мавжуд. Юртбошимиз мамлакатимизда спортни ривожлантиришга шахсан ўзлари бош қош бўлмоқдалар. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган эътиборлари туфайли ёшларимиз ҳам маънан,

**Ифтихор**

ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етмоқдалар. Масалан, мен ҳозир мураббийлик қилаётган Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи ҳар томонлама ривожланиб, малакали мутахассислар, мамлакатимиз терма жамоаларининг асосий таркибларига муносиб номзодлар тайёрлаб берадиган масканга айланди. Бу ҳам эътибор туфайли.

Дарҳақиқат, шундай ғамхўрлик амалда ўз самарасини бераяпти. Юртимизда етишиб чиқаётган моҳир спортчилар халқаро майдонларда Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Жумладан, коллежимиз ёшлари орасидан мамлакатимизга ва дунёга танилган талай спортчилар етишиб чиқди. У. Мустафоев кураш, Ф. Тўраев дзюдо, В. Абрамов велопойга бўйича жаҳон чемпионатида кумуш медаллар соҳибига айланишди.

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

# АҲОЛИ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ ОШМОҚДА



**2008** йилнинг биринчи ярмида республикамизда аҳолининг реал пул даромадлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **23,4** фоиз ўсди.

Ҳукуматимиз томонидан иш ҳақини кўпайтириш, бандлик даражасини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ана шундай ўсишга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Музейлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ҳамда сақлаш тартибини белгилайди;

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини бошқариш тартибини белгилайди;

Миллий музей фонди ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

музей мутахассисларини тайёрлаш ҳамда музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Миллий музей фондининг Давлат каталогини юритади;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда Миллий музей фонди таркибига киритади ҳамда унинг таркибидан чиқаради;

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш учун махсус рухсатнома беради;

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади;

Миллий музей фонди ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ва шартларини тасдиқлайди;

музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**6-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда ўз ҳудудида жойлашган музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланишини таъминлайди;

ўз ҳудудидаги давлат музейларини молиялаштириш миқдорини ўз ваколатлари доирасида белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**3-боб. Миллий музей фонди**

**7-модда. Миллий музей фондининг таркиби**

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисмидир.

Миллий музей фонди Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисмидан ва давлатга тегишли бўлмаган қисмидан иборатдир.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг фуқаролик муомаласига фақат ушбу Қонунда белгиланган чеклашларга риоя этилган ҳолда йўл қўйилади.

**8-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш**

Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Музей ашёлари ва музей коллекциялари Миллий музей фондининг Давлат каталогида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳисобланади.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари мулкдорига рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

**9-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибидан чиқариш**

Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибидан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади. Тегишли факт Миллий музей фондининг Давлат каталогида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан музей ашёлари ва музей коллекциялари Миллий музей фонди таркибидан чиқарилган ҳисобланади.

**10-модда. Миллий музей фондининг Давлат каталогини юритиш**

Миллий музей фондининг Давлат каталогини юритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига бўлган фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари, шу жумладан мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш мазкур ҳаракатлар Миллий музей фондининг Давлат каталогида рўйхатдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилади.

**11-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш**

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши мумкин эмас, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига вақтинча олиб чиқиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг фуқаролик муомаласи хусусиятлари**

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари фақат Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг махсус рухсатномасига биноан тасарруфдан чиқарилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей коллекцияси бўлинмасдир.

**13-модда. Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига бўлган мулк шакллари**

Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари хусусий ҳамда оммавий мулк шаклларида бўлиши мумкин.

**4-боб. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми**

**14-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркиби**

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига, кимнинг эгалигида турганлигидан қатъи назар, давлат мулки бўлган музей ашёлари ва музей коллекциялари киради.

Давлат музейлари, бошқа давлат муассасалари томонидан муассислар маблағлари ёки ўз маблағлари ёхуд бошқа маблағлар ҳисобидан олинадиган, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулда олинадиган музей ашёлари ва музей коллекциялари Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киради.

**15-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш**

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш мумкин эмас, уларнинг йўқолиши, емирилиши ёки бошқа музей ашёлари ва музей коллекцияларига айирбошланиши ҳоллари бундан мустасно.

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

**16-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёларини ва музей коллекцияларини бошқариш**

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари оператив бошқариш ҳуқуқи асосида давлат музейларига, бошқа давлат муассасаларига бириктириб қўйилади.

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини оператив бошқариш топширилган давлат музейлари, бошқа давлат муассасалари:

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг жисман бут сақланиши ҳамда хавфсизлигини;

музей ашёлари ва музей коллекциялари билан боғлиқ ҳисобга олиш ҳужжатларининг юритилиши ҳамда бут сақланишини;

музей ашёлари ва музей коллекцияларидан илмий, маданий, маърифий ҳамда таълим мақсадларида фойдаланилишини таъминлаши шарт.

**17-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми ҳолати устидан давлат назорати**

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми ҳолати устидан давлат назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолатини ҳамда уларни сақлаш шароитларини текшириш;

музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳақида Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳисобини юритиш учун зарур бўлган сўровномалар йўллаш ҳамда ахборот олиш.

**5-боб. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми**

**18-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркиби**

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига Миллий музей фонди таркибига киритилган хусусий мулк бўлган музей ашёлари ва музей коллекциялари киради.

**19-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритиш**

Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритиш белгиланган тартибда уларнинг мулкдори аризаси асосида амалга оширилади.

**20-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибидан чиқариш**

Музей ашёлари ва музей коллекциялари йўқолган ёки емирилган ҳолларда уларни Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибидан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади.

**21-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ҳамда сақлаш**

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ҳамда сақлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

**22-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми ҳолати устидан давлат назорати**

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми ҳолати устидан давлат назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолатини ҳамда уларни сақлаш шароитларини текшириш;

нодавлат музейларига бириктириб қўйилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг мулкдори олдига уларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки уларни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги масалани қўйиш;

музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳақида Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари ҳисобини юритиш учун зарур бўлган сўровномалар йўллаш ҳамда ахборот олиш.

**23-модда. Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига оид битимлар**

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари бўйича олди-сотди ёки ҳадя битимлари тузилганда сотиб олувчи ёки ҳадя олувчи ушбу ашёлар ва коллекцияларга нисбатан сотувчи ёхуд ҳадя қилувчида бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши шарт. Мазкур ашёлар ва коллекцияларнинг олди-сотдисида давлат имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари васият ёки қонунга биноан мерос қилиб олинганда меросхўр ушбу ашёлар ва коллекцияларга нисбатан мерос қолдирувчида бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиши шарт. Бу мажбуриятлардан бош тортган тақдирда, меросхўр мазкур музей ашёлари ва музей коллекцияларини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартларда сотиши ёки бошқа битим тузиши мумкин. Бу ҳолда давлат имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар сотиб олувчи, ҳадя олувчи ёки меросхўр Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига нисбатан ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминламаса, давлат ушбу ашёлар ва коллекцияларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақини тўлаб олишни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Музей ашёлари ва музей коллекцияларига оид ушбу моддада назарда тутилган битимлар Миллий музей фондининг Давлат каталогида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан тузилган ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини давлат томонидан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи ёки ҳақини тўлаб олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ёки унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

**6-боб. Музейларни ташкил этиш**

**24-модда. Музейларни ташкил этиш мақсадлари**

Музейлар қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:

музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини аниқлаш ҳамда тўплаш;

маданий, маърифий ва таълим фаолиятини амалга ошириш;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини ўрганиш;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини эълон қилиш.

Музейларни ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилганидан ташқари бошқа мақсадлар учун ташкил этишга йўл қўйилмайди.

**25-модда. Музейларни ташкил этиш шартлари**

Музейларни ташкил этиш учун қуйидаги шартлар мажбурийдир:

музей тематикасига мувофиқ музей ашёлари ва музей коллекцияларининг мавжудлиги;

музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш ҳамда оммага намойиш этиш талабларига жавоб берадиган моддий-техник базанинг, шу жумладан бино (хона ёки хоналар), зарур кўргазма жиҳозлари, муҳофаза воситалари ҳамда ёнғинга қарши воситаларнинг мавжудлиги;

музей фаолиятини таъминлаш учун зарур молиявий маблағларнинг мавжудлиги.

Музей-қўриқхоналарни ташкил этиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча шартлар белгиланади.

**26-модда. Музейларнинг турлари ва тоифалари**

Мулк шаклига кўра давлат ва нодавлат музейлари ташкил этилиши мумкин.

Ихтисослашувига кўра музейлар:

асосий фаолияти музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этишдан иборат бўлган музейларга;

асосий фаолияти тарихий-маданий қўриқхона ва у билан боғлиқ табиий ландшафт таркибига кирадиган маданий мерос объектларини, шунингдек музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этишдан иборат бўлган музей-қўриқхоналарга бўлинади.

Давлат музейлари аҳамиятига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тоифаларга бўлинади.

**27-модда. Музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

Музейлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

**28-модда. Музейларни молиялаштириш**

Давлат музейларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Нодавлат музейларини молиялаштириш уларнинг мулкдори маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат музейи жойлашган бино бошқа ташкилотларга берилган тақдирда ушбу масала бўйича қарор қабул қилган давлат органи давлат музейини тенг қийматдаги бино билан таъминлаши ҳамда мазкур музейнинг музей ашёлари ва музей коллекцияларини, шунингдек кўргазма жиҳозларини кўчириш билан боғлиқ харажатларни қоплаши шарт.

**29-модда. Музейларга бериладиган имтиёзлар**

Музейлар учун имтиёзлар қонун ҳужжатларига мувофиқ берилади.

**30-модда. Музейларнинг халқаро ҳамкорлиги**

Музейларнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолияти қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**7-боб. Миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш**

**31-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш**

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекциялари фуқаролар кириб кўриши учун очиқдир.

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш қуйидаги асосларга кўра чекланиши мумкин:

музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиш ҳолати қониқарсиз бўлганда;

реставрация ишлари амалга оширилаётганда;

музей ашёлари ва музей коллекциялари музей захирахонасида бўлганда.

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда, шу жумладан музей захирахонасида турган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

**32-модда. Музей ашёлари ва музей коллекцияларини эълон қилиш**

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекцияларини биринчи марта эълон қилиш ҳуқуқи мулкдор томонидан мазкур музей ашёлари ва музей коллекциялари бириктириб қўйилган музейга тегишлидир.

Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳамда музейларда турган музей ашёлари ва музей коллекцияларини такрорлашдан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтказилиши музей ашёлари ва музей коллекцияларининг мулкдори белгилаган тартибда музейлар томонидан амалга оширилади.

Музей ашёлари ва музей коллекциялари, музейларнинг бинолари, музейлар ҳудудида жойлашган объектлар тасвирларидан фойдаланган ҳолда тасвирий, босма, ёдгорлик ва бошқа ададли маҳсулотларни ҳамда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, музейларнинг номлари ва рамзий белгиларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ музейлар маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилади.

**8-боб. Якунловчи қоидалар**

**33-модда. Низоларни ҳал этиш**

Музейларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**34-модда. Музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**35-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 12 сентябрь
№ ЎРҚ — 177

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Оғир атлетикачи И. Мўминбеков Осиё биринчилиги ғолиби бўлди. Ўзим 2006 йили Франциядаги халқаро турнирда, Москвадаги жаҳон кубоги ҳамда Доҳадаги Осиё ўйинларида, Санта-Домингодаги беллашувларда муваффақиятли иштирок этдим. Бултур Японияда ўтказилган "Кадакан" халқаро турнирида ҳам қатнашдим. Кореяда ташкил этилган Осиё чемпионатида эса дунёнинг номдор дзюдочилари билан беллашиб, XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритдим.

Гап Хитойда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари ҳақида кетганда, бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Олимпиада — бу, йирик спорт байрами. Унда иштирок этишнинг ўзи спортчи учун катта шараф. Мана шундай нуфузли турнирда Ўзбекистон вакилларининг нафақат қатнашиши, балки совриндорлар қаторидан жой олиши ҳаммамизни қувонтирди. Бу айнан юртимизда спортга берилаётган эътиборнинг ёрқин самарасидир. Бугун Артур Таймазов, Абдулла Тангриев, Сослан Тигиев, Ришод Собиров, Антон Фокин, Екатерина Хилько сингари спортчиларимизни бутун дунёда яхши билишади.

Албатта, мазкур Олимпиадада мен ҳам бор имкониятимни ишга солдим. Гарчи ғолиблар қаторидан жой ололмаган бўлсам-да, 21 ёшимда шундай нуфузли турнирда иштирок этганимдан фахрланаман. Қолаверса, бу Олимпиада менга навбатдагилари олдидан катта мактаб вазифасини ўтади.

Президентимиз Фармонига биноан, "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Шунингдек, Олимпиаданинг бошқа қатнашчилари қаторида бир йўла бериладиган пул мукофоти ҳам олдим. Бу спортга ва спортчиларга берилган юксак эътибор намунасидир.

10 сентябрь куни Президентимиз Оқсарой қароргоҳида XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари иштирокчиларини, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилдилар. Барчани эришилган ғалаба билан табриклаб, бундан кейинги ишларимизга муваффақиятлар тиладилар. У кишининг оталарча айтган дил сўзлари, билдирган фикр-мулоҳазалари бизга янги куч ва руҳ бағишлади.

Мен дзюдочи сифатида нимагаки эришган бўлсам, барчаси учун, аввало, давлатимиз раҳбарига, устозларимга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Насиб этса, келгусида ҳам қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз шаънини улуғлаш, эл-юрт ишончини оқлаш йўлида бор куч-ғайратимни аямайман.

**Мирали ШАРИПОВ,**
**Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи мураббийи.**

# МАЗМУНЛИ МУЛОҚОТЛАР

***Жиззах алоқа ва транспорт касб-ҳунар коллежида Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда маҳаллий кенгашлар депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, банк, молия тизими ходимлари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари иштирок этди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Иминов Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар юзасидан маъруза қилди. Шундан сўнг тадбирда парламентимиз юқори палатасида маъқулланган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Худди шундай тадбир Пахтакор тумани марказида ҳам бўлиб ўтди. Унда Республика Олий Мажлиси Сенати аъзолари Н. Каримова, П. Зиётов иштирок этдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

***Президентимизнинг жорий йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимиз адвокатура тизими ривожида муҳим бурилиш ясади.***

Тадбир

Мазкур ҳужжат суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини амалда таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида қабул қилинган эди.

Фармонда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида мамлакатимиз барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш таъкидланган.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 140 нафар делегат қатнашган конференцияда давлатимиз раҳбарининг Фармонида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши аҳолига сифатли юридик ёрдам кўрсатишни таъминлашга ва жамиятда адвокатуранинг роли ва мавқеи янада юксалишига хизмат қилиши таъкидланди.

Таъсис конференциясида Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси фаолиятини тугатиш ва унинг негизида республикадаги барча адвокатларни бирлаштирадиган, кучли адвокатурани барпо этишга йўналтирилган, ўзининг ҳудудий бошқармаларига эга бўлган мустақил ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилгани маълум қилинди.

Шунингдек, таъсис конференциясида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Устави тасдиқланди.

Конференцияда Т. Саидов Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси этиб сайланди.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Импорт ўрнига маҳаллий маҳсулот

***Қарши шаҳрида спорт майдонлари учун резина қопламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона ташкил этилди.***

— Бугунги кунда спорт майдонларини сунъий қоплама билан жиҳозлашга талаб катта, — дейди "Насаф-Шанхай" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акрам Муқимов. — Ҳозиргача резина қопламалар, асосан, чет элдан олиб келинади. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун Қаршидаги "Глобалкимётаъмир" МЧЖнинг эркин маблағини хитойлик ҳамкорлар сармояси билан қўшиб, янги корхона ташкил этишга қарор қилдик. Хом ашё сифатида ишлатилган резина маҳсулотларидан фойдаланамиз. Бу экологияни асраш нуқтаи назаридан ҳам муҳим ҳисобланади.

Корхонанинг дастлабки маҳсулотлари Қаршидаги Олимпия захиралари коллежининг очиқ спорт майдонларини жиҳозлашда ишлатилади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт

# ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВЛАР

**_Яқинда якунланган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида 58 нафар спортчимиз қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Жаҳоннинг 204 мамлакатидан спортчилар иштирок этган мазкур Олимпиадада 88 давлат вакиллари медаллар шодасига эга бўлди. Олимпиада ғолиблари сафида бизнинг ёш спортчилар ҳам борлиги чинакам маънода фахримиздир. Улар қўлга киритган олтин, кумуш ва бронза медаллари келгусида жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилган йигит-қизларимиз қалбида чексиз ҳавас ва интилиш ҳиссини уйғотмоқда._**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши биносида Олимпиада ғолиблари билан ўтказилган учрашувда ёшлар кўнглидаги ана шундай орзу-интилишлар янада яққолроқ намоён бўлди. Тадбирда Пекин Олимпиадаси ғолиблари ва уларнинг мураббийлари, Ёшлар ҳаракати фаоллари, Республика Олимпия захиралари коллежининг ўқувчилари иштирок этдилар. Ёшлар "Чемпионлик сирлари" деб номланган ушбу йиғинда ғолиб спортчиларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этдилар.

— Ақлимни танибманки, мени "полвон" деб чақиришади ва шу номга лойиқ бўлиш учун ҳам ҳаётда доимо олға интилишга ҳаракат қилдим, — дейди Олимпиаданинг кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриев. — Спортда юксак марраларга эришишни дилга туккан киши кўнглидаги ҳавас ва орзу рўёбга чиқишини истаса, интилувчанлик ва қатъият хислатларини ҳам одат қилмоғи керак экан. Зеро, спортчи ўз кучини фақат меҳнатда тоблайди. Юртбошимиз ёшларга юксак ишонч билдириб, бизнинг тенглар ичра тенг бўлишимиз, жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қатнашишимиз учун барча имкониятни яратиб бермоқдалар. Бундай ғамхўрликка жавобан, фақат ғалаба сари интилиш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

— Бу йил эркин кураш бўйича республика миқёсидаги мусобақада қатнашиб, Ўзбекистон чемпиони бўлдим, — дейди республика Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Жасур Ҳамидов. — Келгусида Абдулла акамдек эл-юрт ишончига сазовор, маҳоратли спортчи бўлмоқчиман. Бугунги учрашувдан олган таассуротларим мени ушбу мақсад сари янада дадил интилишга ундади.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЎРАҚЎРҒОНЛИК ГИМНАСТИКАЧИ ҚИЗЛАР

**_Тўрақўрғондаги 36-болалар ва ўсмирлар спорт, бадиий гимнастика мактабида 210 нафар қиз спортнинг нафис турларидан ҳисобланган бадиий гимнастика сир-асрорларини ўрганмоқда._**



— Дастлаб фаолият бошлаганимизда шогирдларимиз 25 нафардан иборат эди, — дейди муассаса директори Гулчеҳра Собирова. — Мураббийларимизнинг изланишлари боис бадиий гимнастикага қизиқувчилар сони кўпайиб бормоқда. Натижада ҳозир мактабимиздаги ҳар бир гуруҳда 10-12 нафардан иштирокчи бор.

Таъкидлаш лозимки, Латофат Муҳаммаджонова, Шаҳзода Қаҳҳорова, Шаҳноза Нўъмонова ва Нафиса Асқарова каби мураббийларнинг саъй-ҳаракати туфайли мактаб жамоаси турли мусобақаларда совриндорлар сафидан жой олмоқда. Жумладан, 2007 йил ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг вилоят босқичида тўрақўрғонлик қизлар фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди. Шундан сўнг ёш спортчилардан Гулноза Раҳимова ҳамда Шодия Каримовалар вилоят терма жамоасига қабул қилинди. Шунингдек, Шоира Жўрабоева, Гулниҳол Толипова, Нозима Холиқова, Мафтуна Абдусатторова каби қизларнинг маҳорати ҳам мутахассислар эътиборини тортмоқда.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ**
**(ЎзА) олган сурат.**



**_Халқимиз азалдан ҳунармандларга алоҳида ҳурмат билан қарайди, уларнинг меҳнатини доимо юксак қадрлайди. Мана шу илиқ муносабат ва эътибор мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин давлат сиёсати даражасига кўтарилдики, бу ҳар бир ҳунарманд кишига ўзгача ғурур ва ифтихор бағишлади. Айнан истиқлол йилларида миллий ҳунармандчилигимизни қайта тиклаш ва ривожлантиришга астойдил киришилди, мазкур соҳа ходимларининг меҳнатига муносиб баҳо берила бошланди. Масалан, солиқ тўловларидаги енгиллик, бозорларда эркин савдо қилиш ҳуқуқи, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазмаларда бемалол иштирок этиш имконияти яратиб берилгани ҳунармандларимиз ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшди._**

▼ Қадрият

# ҲУНАРЛИГА ҲУРМАТ ЎЗГАЧА

Мазкур соҳа эгалари яратган асарларни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, айниқса, ёшларга тушунтириш ва ўргатиш мақсадида ташкил этилаётган турли тадбирлар, кўрик-танлов ва кўргазмалар миллийлигимизнинг ушбу йўналишини асраб-авайлаш, унинг авлоддан-авлодга асл ҳолича етиб боришини таъминлашга хизмат қилади. Уста-шогирд анъаналарининг яхши йўлга қўйилгани бу борадаги хайрли амалларнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан биридир.

Ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, менда ҳунармандчиликка бўлган қизиқиш отам ва Фахриддин амакимдан ўтган. Уларнинг миниатюра йўналишидаги ижодини кузатиб юриб, маҳорат ва нозик дид билан ишлашларига ҳавасим келди ва шу касбнинг бошини тутишга аҳд қилдим. Ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келаётган катта амаким, Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаев эса менинг бу ниятимни қўллаб-қувватладилар.

Устозларимдан ўрганганларимга таяниб, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод услубида мустақил ижод қилишга киришдим. Табиат гўзалликлари, унинг инсон руҳиятига таъсири акс этган бир қанча манзаралар яратдим. Асарларимнинг аксарияти республика ва халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди. Жумладан, Малайзия, Германия, Японияда ташкил этилган тадбирларда, ЮНИСЕФнинг Париж шаҳридаги қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда муносиб баҳоланди. Бу, албатта, мени жуда қувонтирди.



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лак миниатюраси йўналиши ижодкори бўлиб шаклланишимда юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг муносиб ўрни бор. Аввало, бу тадбирда иштирок этишнинг ўзи ҳар қандай кишига ғурур ва ифтихор бағишлайди. Қолаверса, "Ташаббус" орқали ўзгалар билан тажриба алмашиш, уларнинг ишини ўрганиш имконияти яратилади. Мен мана шу нуфузли танловда дастлабки йили "Энг ёш иштирокчи" йўналиши ғолиби бўлдим. Ўтган йили танловнинг вилоят босқичида "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича иккинчи ўринни эгаллаган бўлсам, бу йил республика босқичида иштирок этиб, рағбатлантирувчи мукофот соҳибига айландим.

Айни кезларда Хасти Имом мажмуасидаги Бароқхон мадрасасида ишлаяпмиз. Унга шарқона услубда безак бериш, келгуси авлодлар учун бебаҳо мерос қолдиришдек савобли ишларга камтарона ҳиссамни қўшаётганимдан беҳад хурсандман.

Умуман, бугунги муваффақиятларим ва қўлга киритган ютуқларимнинг барчаси, шубҳасиз, Истиқлол шарофатидир. Ниятим — юртимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин. Шундай ёруғ кунлардан илҳомланиб, биз ижодкорлар янгидан-янги асарлар яратаверайлик.

**Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**ҳунарманд.**
Зангиота тумани.

▼ Изланиш

**_Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 ноябрдаги "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори соҳа ривожида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда дори-дармон ва бошқа фармацевтик маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш, табиийликка кўпроқ эътибор бериш назарда тутилган._**



# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугунги соғлом рақобат, ихтисослашув, табиийки, кўпгина етакчи ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолиятининг асоси бўлмоқда. Дезинфекция воситалари ва тери антисептикларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи "Агробиокимё" масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналар сирасига киради.

Мазкур корхона маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари соғлиқни сақлаш соҳаси, аграр ва озиқ-овқат саноати муассасаларидир. Негаки, дезинфекция — юқумли касалликларга қарши кураш комплексининг асосий бўғинларидан бири бўлиб, юқумли касалликлар профилактикаси ва уларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда "Агробиокимё"да ишлаб чиқарилаётган, сил касалликлари ва совуқ стерилизацияга мўлжалланган "Экстра ДЕЗ", "ДС-1", "АКВАдезНУК-15" дезинфекция воситалари юқори самарадорлиги билан дезинфекция саноати маҳсулотлари орасида ажралиб туради.

Шуни таъкидлаш жоизки, айни пайтгача иқлатилиб келинаётган дезинфекция воситалари ва дори-дармонларга мослашиб қолган микроорганизмлар мавжуд. Шу боис эндиликда юқори самарадорликка эга, экологик безарар янги дезинфектантлар ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. "Агробиокимё" ишлаб чиқараётган "АБК-Экстра", "Экстра Дез", "АКВАдезНУК-15", "ДС-1", "Антисептин-оп", "Антисептин" ушбу талабларни тўлиқ қондира оладиган дезинфекция воситаларидир.

Дезинфекция воситалари ва тери антисептик ҳамда тозалаш воситалари арзонлиги жиҳатидан хорижий муқобилларидан афзалдир. Корхона ўз маҳсулотлари нархининг ҳамёнбоплигига сифат ёки ҳажм ҳисобидан ташқари, хом ашёнинг арзонлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг тўла маҳаллийлаштирилгани туфайли ҳам эришмоқда.

**А. СУЮНОВ.**

# Замонавий ўқув маркази

**Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар изчил ривожлантириб борилмоқда.**

Чунончи, янги ўқув йилидан бошлаб Фарғона давлат университети қошида коллеж ва лицейлар ўқитувчилари малакасини ошириш Европа —

▼ Ҳамкорлик

Ўзбекистон маркази фаолият кўрсата бошлади. Германиянинг Лейпциг университети томонидан ажратилган грант асосида иш бошлаган марказнинг 30 нафар мураббийлари Рейн бўйидаги қадимий шаҳарда малака ошириб қайтдилар.

Марказда тўрт йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилади. Ахборот технологиялари, бозор иқтисодиёти асослари, педагогика ва психология йўналишлари бўйича ўтказилувчи машғулотларда, асосан, тренинг, веб-дизайн, электрон-кутубхона усуллари қўлланилади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**_SMS-хабарлар алмашинуви оддий қўнғироқлар билан бир қаторда замонавий мобил алоқа хизматлари орасида мустаҳкам ўринга эга. Қулай ва оддий SMS-мулоқот кўпчилик абонентлар учун кўпинча биринчи ўринда туради. Ўз абонентларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида МТС янги «SMS-EXTRA» хизматлар тўпламини ишга туширди. У оддий SMS-хабарларни ўзига хос ажойиб имкониятлар билан бойитиб, бу хабарларни Ўзбекистоннинг барча мобил алоқа абонентларига юбориши мумкин. Хизматлар тўпламига 6 турдаги сервис киради:_**

## «SMS-EXTRA»:

# МТСНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

➢ **«SMS-ЛАҲЗА»** — бу хизматдан фойдаланиб, сиз дўстларингизга бирон-бир лаҳзада тўсатдан телефон экранида пайдо бўладиган SMS-хабарлар юборишингиз мумкин.

➢ **«SMS-ТАҚВИМ»** — сиз танишларингизни бирон-бир аҳамиятли сана билан табриклашни унутмайсиз, чунки бу хизмат хабарларингизни сиз кўрсатган кун ва вақтда керакли одамга етказилишига имкон беради.

➢ **«SMS-МАХФИЙ»** — бу хизмат паролли SMS-хабарлар юбориш имкониятини беради. Бундай хабарларни фақатгина хабар юборилган одамгина ўз паролини киритиб ўқиши мумкин. Ушбу хизматдан фақат МТС тармоғи ичида фойдаланилади.

➢ **«SMS-ИМЗО»** — бу хизмат хабарларни бирон исм ёки тахаллус билан имзолаб юбориш имконини беради.

➢ **«SMS-ҚОРА РЎЙХАТ»** — аниқ бирон рақамга ёки бирон сўз ишлатилган хабарларнинг юборилишини тақиқлаш хизмати.

➢ **«SMS-ОҚ РЎЙХАТ»** — бу хизмат хабарларни барча рақамларга эмас, балки аниқ бир рўйхатга киритилган рақамларгагина юбориш имкониятини беради.

**«SMS-EXTRA»** хизматларини ёқиш учун ***146*1#** USSD-командадан фойдаланиш керак. Бунда автоматик равишда барча хизматлар ёқилади, сиз фақатгина баъзи бир хизматларни оддийгина созлаб олсангиз, бас. **«SMS-EXTRA»** хизматлари тўпламини ёқиш — бепул. Абонент фақат чиқувчи SMS-хабарлар учун ҳақ тўлайди.

Янги хизматларнинг қизиқарли яна бир имконияти — бу бир хабарда бир неча хизмат имкониятларидан фойдаланиш. Мисол учун, лаҳзалик хабарни бирон тахаллус ёки парол билан аниқ бирон вақтда оладиган қилиб юбориш мумкин. Сиз бир неча хизматдан фойдалансангиз ҳам, фақатгина SMS-хабарнинг ўзи нархланади.

**«SMS-EXTRA»** хизматлари учун ***147#** рақами бўйича қулай USSD-меню ишлатилади. Унинг ёрдамида сиз хизматларни созлашингиз ёки уларнинг мақомини ўзгартиришингиз мумкин.

**«SMS-EXTRA»**нинг янги имкониятлари ҳақида таниқли **«Bojalar»** гуруҳининг аъзолари — **Жаҳонгир Позилжонов ва Мўмин Орипов** шундай дейишади: *«Биз бу янги хизматлар Ўзбекистоннинг ёшларига жуда қизиқарли бўлишига ишонч билдирамиз. Чунки SMS-мулоқот жуда қулай бўлиб, айниқса, «SMS-EXTRA»нинг сервисларидан фойдаланиб, хабарлар жўнатиш ва қабул қилиш қўшимча қулайликлар яратади. МТС ҳаммага кутилмаган ёқимли янгиликни яна бир бор тақдим этди!»*

**«SMS-EXTRA»** хизматларининг имкониятлари ҳақида батафсил маълумот компания офисларида ва www.mts.uz сайтида.

t

Сўраган эдингиз

# ЖИГАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

**_Инсоннинг тана аъзолари ичида жигар жуда муҳим вазифани бажаради. У аъзо модда алмашинувида қатнашади, шунингдек, ушбу жараёнда ҳосил бўладиган ёки қандайдир йўллар билан организмга кирган заҳарли омилларни зарарсизлантиради._**

**Ҳурматли таҳририят, мени жигар хасталиги безовта қилади, тунда ўнг қовурғам ости нохуш оғриқ беради, оғзимдан ачимсиқ таъм келиб туради, давоси борми?**



**Али МАХЗУМОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Тошкент шаҳри.**

*Жигар фаолияти ташқи муҳитдан, истеъмол маҳсулотларидан, организмга тушиб турадиган заҳарли моддалар таъсирида бузилиши мумкин. Жигар хасталиклари — цирроз, сариқ, ўт пуфагининг яллиғланиши — холецистит шулар сирасига киради.*

*Холецистит — ўт пуфагининг яллиғланиши бўлиб, у ўткир ҳамда сурункали кўринишга эга. Ўткир хуружли холецистит ўнг биқин қовурға остида қаттиқ оғриқ туриши, кўнгил беҳузур бўлиши, қайд қилиш, тана ҳароратининг кўтарилиши билан бошланади.*

*Холециститнинг сурункали кўриниши — дарднинг олдини олмасликдан, ўз вақтида даволаниш амалларини қилмасликдан келиб чиқади. Кўпинча ўт пуфагида тош пайдо бўлганида ҳам бу ҳол кузатилади. Бунда беморни ўнг қовурғаси остидаги изтиробли, ғижимловчи оғриқ безовта қилади. Кўпинча ёғли овқатдан кейин оғриқ зўраяди, кўнгил айнийди, кекирик пайдо бўлади.*

*Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатларда, албатта, шифокорга мурожаат қилиш лозим. Фақат шифокоргина беморнинг ҳолати ва биологик синамалар таҳлилини инобатга олиб, у ёки бу дори-даволарни белгилайди. Айтиш лозимки, ўт пуфаги яллиғланишини даволашда халқ табобатида кенг қўлланиладиган, шифобахшлиги билан ажралиб турадиган усуллар ва воситалар ҳам мавжуд. Уларнинг айримлари қуйидагичадир:*

● Маккажўхори попугидан бир ош қошиқ миқдорида олиб бир стакан қайноқ сув билан бир соат давомида дамлаб қўйилади. Сузиб олингач, 1 ош қошиқдан ҳар 3 соатда ичиб турилади.

● Бир ош қошиқ баргизуб ўтига бир стакан қайноқ сув қуйилиб, 10 дақиқа дам едирилади. Сўнгра сузиб олиниб, бир соат ичида қултумлаб ичилади (суткалик меъёр).

● Икки чой қошиқ мармарак (шалфей) ўтига икки стакан қайноқ сув солиниб, ярим соат дам едирилади. Сўнгра сузиб олиниб, ярим стакандан кунига 4 маҳал ичилади.



*Мабодо ўт пуфагида тош бўлса, унда ҳам ўнг қовурғалар таги, ўнг курак, ўнг елка, умров ости қорин санчиқлари туради. Бундай ҳолатда ҳам шифокор қабулидан ўтиш лозим.*

*Ўтда тош пайдо бўлишига пала-партиш овқатланиш, кўп овқат истеъмол қилиш, кам ҳаракатлик сабабдир. Тош ўт йўлларини беркитиб қолган тақдирда сарғайма ҳосил қилади. Хасталикни даволаш борасида ҳам халқ табобатида синовлардан ўтган муолажалар тизими яратилган. Хусусан:*

● Олтиариқ, Марғилон турпи шарбатидан тоза асал омухталигида ичиб туриладиган бўлса, аъзоларда тош пайдо бўлишидан муҳофаза этади, шунингдек, ўт йўлидаги тош ҳамда буйрак тошларини нуратиб, организмдан чиқариб юборади.

● Қизил лавлагидан бир нечтасини тозалаб, майдаланадида, хийла вақт давомида қайнатиб қўйилади. Қайнаб, қиём даражасига етганидан кейин, қайнатма чорак стакандан кунига 3 маҳал истеъмол қилинади. Бундай амал қўлланиб туриладиган бўлса, ўт йўлидаги тошлар емирила бошлайди ва аста-секин аъзолардан чиқиб кетади.

● Бундан ташқари табобатда маккажўхори попугидан дамлама тайёрлаб ичиб туриш тавсия этилади.

● Маккаи сано барглари (дорихоналарда мавжуд) асосида дамлама тайёрлаб ичиб туриш нафақат нохуш қабзиятдан холи этади, балки ўт пуфагидаги майда тошларни ичакка йўналтириб, чиқиб кетишига ёрдам беради.

● Мижози кўтарадиган кишиларнинг чорак соат давомида 10 пиёла миқдорида иссиқ ҳолдаги кўк чой ичиши тошларни юмшатиб, қум ҳолига келтиради.

● Ўтдаги тошдан муҳофазаланиш ва бу дардни енгиллаштиришда овқатни оз-оз ва тез-тез танаввул этиб туриш мақсадга мувофиқ. Таркибида холестерин бўлган маҳсулотлар, чунончи тухум, мия, қовурилган балиқ, қўй гўшти, жигар кабиларни истеъмол қилишни чеклаш, таомни сариёғ ёки ўсимлик мойида пишириш, гўштни қайнатиб ёки буғда пишириб тамадди қилиш лозим. Шунингдек, шўр ва аччиқ таъмли маҳсулотларни истеъмол этмаслик даркор.

**Оқил ИСҲОҚОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори,**
**профессор.**
**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

"Ўзкимёсаноат" давлат-акциядорлик компанияси жамоаси "Ўзкимёсаноатлойиҳа" очиқ акциядорлик жамияти бош мутахассиси

**Маҳмуд ТИЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси Бошқарув аппарати Моддий базани таъминлаш бўлими бош мутахассиси Матлюба Носировага турмуш ўртоғи

**Собир САМИГОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти бошқаруви ташкилотнинг Сирдарё вилояти филиали директори

**Хавас ЗАФАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6 7